



20 20 у « 20» октябрь

№ Қ-581

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви  
“Қўнғирот” маҳалласи ҳудудидан “Fruit Eсо  
Agrofirmsi” МЧЖга “Иссиқхона” қуриш учун  
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/405-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 24 июндаги 01-08/263-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/405-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Қўнғирот” маҳалласи ҳудудидан “Fruit Eсо Agrofirmsi” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 42-дала контуридаги жами 17,4 гектар, шундан 17,3 гектар бўз ер, 0,1 гектар ариқ ва зовурлар ер майдонлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Fruit Eсо Agrofirmsi” МЧЖ бошлиғи Ш.Хусиновга:  
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз туман ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов